Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2 август, шанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 161 (1678)

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОВРИНДОРЛАРИГА

*Азиз ёш дўстларим!*

*Сизларни иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси грантларини қўлга киритганликларингиз ва жаҳоннинг энг нуфузли олий ўқув юртларида билим олиш бахтига муяссар бўлганликларингиз билан чин дилдан самимий табриклайман.*

*Азалдан халқимиз орасидан доно ва истеъдодли ёшлар кўп чиққан, улар ақлу заковат бобида дунёни лол қолдиришган. Сиз, фарзандларимизнинг томирида инсоният маънавий хазинасига улкан ҳисса қўшган Амир Темур, Имом Бухорий, ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг қони жўш урмоқда.*

*Сизлар дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида ўқиб, жаҳон андозалари даражасида билим олиб, энг замонавий касб-ҳунар ўрганиб, озод ва обод Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлишида муносиб ҳисса қўшасизлар, деган умиддамиз. Бунинг учун ҳаёт синовларига бардош бериш, жамиятда ўзингизга муносиб ўрин топиш, юксак маърифатли ва улкан салоҳиятли бўлиш талаб этилади.*

*Барчангиз она-Ватанимизга фидокорона хизмат қиладиган, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун курашадиган, Ватан ва миллат манфаатларини юракдан ҳис этадиган, ўз иқтидори билан она-юртни улуғлашга қодир, истеъдодли ва садоқатли йигит-қизларсиз.*

*Истиқлол ва истиқбол йўлида сафарбар этиш учун қўйган дастлабки қадамларингиз зафарли, ҳаётингиз сермазмун бўлсин. Ўқиш ва изланиш машаққатларига сабр-бардош тилайман. Борган жойингизда буюк тарих ва маданият юртининг фарзанди эканлигингизни намоён этишингизга ишончим комил.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## ЯКУНИЙ БОСҚИЧГА ТАЙЁРГАРЛИК

Мамлакатимизда Ўзбекистон қўшиқ байрамининг якунловчи босқичига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Унинг дастлабки танловларида 800 мингдан зиёд санъат ихлосмандлари иштирок этди. Ватан ва истиқлолимизни куйловчи, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнатини улуғловчи кўплаб янги қўшиқлар яратилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон қўшиқ байрами тўғрисида»ги қарорига кўра «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси профессионал санъаткорларнинг танловини ўтказди. Мудофаа, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Ижтимоий таъминот вазирликлари эса қўшиқ байрамини ўз тармоқларида мустақил равишда ўтказдилар. Ана шу танловларнинг ғолиблари Ўзбекистон қўшиқ байрамининг пойтахтимизда ўтадиган якунловчи босқичида иштирок этадилар. Байрам Ватанимиз мустақиллигининг олти йиллигига бағишланади.

1 август куни Вазирлар Маҳкамасида мазкур байрамни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари, мазкур қўмита раиси А. Азизхўжаев бошқарди. Мажлисда Ўзбекистон қўшиқ байрамининг якунловчи босқичига тайёргарлик масалалари муҳокама этилди. Республика Маданият ишлари вазири Х. Жўраев, «Ўзбекнаво» бирлашмаси бош директори А. Назаров, Бастакорлар уюшмаси раиси Р. Абдуллаев, Ўзтелерадиокомпания раиси А. Кўчимов, байрамни саҳналаштирувчи режиссёр Б. Сайфуллаевнинг шу ҳақдаги ахборотлари тингланди. Қўшиқ байрами танлови республика ҳайъатининг таркиби ва якуний босқични ўтказиш режаси тасдиқланди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов сўзга чиқди.

(ЎзА)

## ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР БАЙРАМИ

Тошкентдаги Темирйўлчилар маданият саройида темир йўл ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Анъанага мувофиқ, бу байрам августнинг биринчи якшанба кунида нишонланади. Унда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясининг ишчилари, мутахассислари, республика темир йўл нақлиёти фахрийлари иштирок этди.

Мамлакатимиз мустақиллигини, унинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда нақлиёт, биринчи навбатда темир йўл жуда катта аҳамиятга эга, - деди «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси раиси Н. Эрметов ўз маърузасида. Шу сабабли, темир йўл хизмати ишида мумтазам сифат ўзгаришлари бўлмоқда - янги йўллар қуриляпти, йўллар, тепловоз ва электровозлар, юк ва йўловчилар ташиладиган вагонлар таъмирланмоқда. Ҳозир тармоқ корхоналарида локомотивларни, вагонларни таъмирлаш учун 4оо хилга яқин эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Статистика маълумотларига қараганда, «Ўзбекистон темир йўллари» ўтган йил ва шу йилнинг биринчи ярми якунларига кўра МДҲ мамлакатларидаги бажарилган иш ҳажми ўсиши кўрсаткичлари барқарор бўлган ягона темир йўлдир.Тантана иштирокчиларига байрам концерти қўйиб берилди.

(ЎзА).





*Пойтахтимиздаги республика рассомчилик коллежи мамлакатимиздаги энг кекса бадиий билим масканларидан биридир. Ушбу билим юрти нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг тасвирий ва амалий санъати, бадиий таълим тизимининг ташкил топиши ва шаклланишида муҳим рол ўйнаган. Бу ерда турли даврларда машҳур рассомлар Рўзи Чориев, Раҳим Аҳмедов, Абдулҳақ Абдуллаев, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов таҳсил олган.*

*Бугунги кунда коллежда ранг-тасвир, дизайн, бадиий безаш, нақш, ўймакорлик сингари 14 хил мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда.*



**СУРАТЛАРДА:** ***ёғоч ўймакорлиги мутахассислиги ўқитувчиси Ортиқ Файзуллаев шогирдларига ўймакорликнинг нозик жиҳатларини кўрсатиб бермоқда; битирувчилар тайёрлаган ишлар.***

**Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Назорат инспекциясида ҳудудий назорат инспекциялари раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республика Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 29 июль куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда ўтган даврда Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари бажарилишининг назоратини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ва назорат инспекцияларининг шу йил биринчи ярмидаги иш якунлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда республика вазирликлари, идоралари ва уларнинг тизимларида ўзаро ҳисоб-китоб ишлари, тўлов интизомига риоя қилиниши, аҳолини кундалик зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бозорлардаги озиқ-овқат маҳсулотларининг сотилишини тартибга солиш бўйича олиб бориладиган ишлар кўриб чиқилди ва навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

(ЎзА).

● *ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН*

## ҲУҚУҚИЙ ТАЯНЧ

***Маълумки, Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам киритилган.***

***Мухбиримиз Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси котиби Пўлат Шароповдан ушбу қонун лойиҳаси хусусида гапириб беришни илтимос қилди.***

— Ушбу Қонун лойиҳаси республикамиз аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Ундаги талаблар атторлик, пардоз-андоз моллари ва тамаки маҳсулотларига ҳам тааллуқлидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизга ишбилармонлар томонидан янги технологиялар олиб келиниб, турли хилдаги халқ истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, хорижий давлатлардан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам келтирилаётир. Қилинаётган бу ишлар республикамиз бозорларини тўлдириш ва аҳоли эҳтиёжини қондиришда ўз самарасини бераяпти, албатта. Лекин кўпгина тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган ва четдан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёларининг сифати бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар эса технологик жиҳозлар ва малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминланмаган. Республикамиз ҳудудига хорижий мамлакатлардан олиб келинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар озуқаси, спиртли ичимликлар аксариятининг сифати ва хавфсизлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Давлат стандарти томонидан кафолатланган эмас. Ўтган йили санитария-эпидемиология хизмати томонидан 96 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, консерва, ун, қуруқ сут ва болалар озуқаси истеъмолга яроқсизлиги сабабли, савдодан олиб ташланганлиги фикримизнинг далилидир.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этишда ушбу қонун лойиҳаси ҳуқуқий омил бўлади. Зеро, унинг 4-моддасида озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат бошқаруви юритилиши аниқ ёзиб қўйилган. Шунингдек, лойиҳада республикамиз ҳудудида ишлаб чиқарилаётган ва хориждан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёларнинг сифати хавфсизлигини таъминлашда вазирликлар ва муассасаларнинг ваколатлари ҳам тўлиқ белгилаб берилганки, бу жуда муҳимдир.

Ўйлаймизки, Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида муҳокама қилинадиган мазкур қонун лойиҳаси халқимизни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий таянч бўлади.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**О. РАҲИМОВ ёзиб олди.**

## АДВОКАТ — ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ

Ҳозирги даврнинг ҳуқуқий мезонлари мавжуд адвокатура институтлари олдига муҳим вазифаларни кўндаланг қўймоқда. Табиийки, бу халқ хўжалигига юридик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини яхшилаш билан чамбарчас боғлиқдир. Қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий-демократик жамиятни барпо этиш, энг аввало, жаҳон андозалари даражасидаги барқарор адвокатура тизимини шакллантиришни тақозо этади. Мамлакатимизда бунинг учун зарур ҳуқуқий пойдевор мавжуд. Хусусан, Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги Қонун соҳа ходимларининг дахлсизлигини таъминлаш билан бирга, улар учун катта имкониятлар яратишни кўзда тутади. Зеро, адвокат адолат ва қонун муҳофазасига даъват этилган мустақил ваколатли шахсдир.

«Киночилар уйи»да бўлиб ўтган Ўзбекистон адвокатлар ассоциациясининг таъсис съездида ана шу масалалар хусусида атрофлича фикр юритилди. Қурултой ишида вилоятлардаги адвокатлик тузилмаларидан сайланган делегатлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбар ходимлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамоатчилик институтларининг вакиллари, шунингдек, адвокатура муаммолари билан шуғулланувчи хорижий меҳмонлар иштирок этишди.

Анжуманда ассоциация раиси Ф. Ашуров янги ташкилотнинг мақсад ва вазифалари ҳақида маъруза қилди. Маърузачи ҳамда сўзга чиққан нотиқлар бозор иқтисодиёти шароитида адвокатлик хизматига талаб ва эҳтиёж ошаётганини, бу эса ўз навбатида соҳа ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклашини таъкидладилар. Адвокат деганда, одамлар кўз ўнгида ҳақиқат тантанаси йўлида куч-ғайрати, билим ва маҳоратини аямайдиган адолатпарвар инсон гавдаланади. У ана шу ишончга муносиб бўлиши, ўз касбига садоқатини амалий ишларда намоён этиши лозим. Анжуманда қайд қилинганидек, адвокатура ихтиёрий жамоат ташкилоти ҳисобланиб, у ўз фаолиятида Ўзбекистон Конституцияси, «Адвокатура тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланади.

Ҳозирги кунда адвокатура ходимларига бир талай ҳуқуқий кафолатлар берилган. Улар инсон манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида қонунда назарда тутилган барча восита ва усулларни танлашда эркиндирлар. Адвокатнинг ишига у ёки бу мансабдор шахснинг аралашувига йўл қўйилмайди. Республикамизда тармоқ фаолиятини, адвокатура ходимларининг билим ва малакасини такомиллаштиришга қаратилган самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад барча соҳада қонун устуворлигини таъминлашда адвокатура тузилмаларининг иштирокини кенгайтиришдан иборатдир.

Ҳисоб-китобларга қараганда, айни пайтда республикамиз шаҳар ва қишлоқларида махсус лицензияга эга бўлган 1700 дан зиёд адвокат фаолият кўрсатмоқда. Бу, табиийки, жуда кам. Малакали адвокатлар сафини кенгайтириш, соҳада тубислоҳотларни амалга ошириш диққат марказида бўлиши лозим. Токи, адолатли демократик жамият қураётган эканмиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқларнинг поймол бўлишига йўл қўйилмасин, ҳар бир фуқаро қонуннинг таъсир кучини ўз ҳаётида кўриб, қалбан ҳис этиб турсин.

Таъсис съездида адвокатлар ассоциациясининг янги низоми ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди. Ассоциациянинг раҳбар органлари сайланди.

Анжуманда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор ва республикаадвокатура ходимларига қарата мурожаат қабул қилинди.

**Н. ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## НАМАНГАНЛИКЛАР ОРЗУСИ УШАЛДИ

***Учқўрғон-Наманган сув узатиш тармоғининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. 37 чақирим узунликдаги бу иншоот туфайли Наманган шаҳри ва унинг атрофидаги туманлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси ҳал этилди.***

1992 йилда мазкур қурилиш бошланган эди. Иш икки-уч сменада ташкил этилиб, кунига 2-2,5 минг киши меҳнат қилди. Натижада ўтган муддат мобайнида 2 миллиард 300 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди.

Йирик сув узатиш иншоотининг ишга туширилиши муносабати билан бу ерда тантанали маросим бўлиб ўтди.

**А. МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Самарқандда бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун буюртма бераётган хорижлик санъаткорлар ва бадиий жамоалар сони тобора ортиб бораяпти. Фестиваль дирекциясига келган. Биз ана шу ҳужжатлар билан танишар эканмиз, Самарқандда Шарқнинг энг таниқли ижрочилари ва ансамбллари ўз санъатларини намойиш этажакларига амин бўлдик.***

## ЧИН ЭЛИ НАВОЛАРИ

***Улар ипакдек майин, чиннидек жарангли***

Қадим тарихга эга Хитойнинг тароватли мусиқаларини тинглаганмисиз? Чин элини дунёга машҳур қилган ипагидек майин, чиннисидек жарангли бу оҳанглар киши шуурига кириб, беихтиёр унинг руҳини аллалай бошлайди. Дарҳақиқат, хитойликлар мусиқа санъатининг энг юксак чўққиларини забт этишган. Эътиборли жиҳати шуки, ана шу мусиқалар ҳам Самарқандда авж пардаларда янграйди.

Хитой Миллий мусиқалари марказий ансамбли 1960 йили Бейжинг шаҳрида ташкил этилган. Айни пайтда мамлакатда энг йирик ва таниқли мазкур жамоа таркибида халқ оркестри, хор ва бошқа гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда эса ижрочилар, машшоқлар, дирижёрлар ва лирик ҳонандаларнинг «улкан армияси» самарали меҳнат қилишаяпти. Бу санъаткорлар ансамбль асосчилари композитор Ли Хуанжи, Хитой Мусиқачилар ассоциацияси раҳбари Танг Ронгменг, таниқли вокал мусиқаси устаси ва дирижёр Ким Пенгжанг, ашулачи Жанг Жиквианг ва ижрочи Дизи Банг Тиеученларнинг анъаналарини изчил давом эттириб, Хитой халқ мусиқаларини келгуси авлодларга етказиш ва замонавий мусиқа санъатини ривожлантириш йўлида фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Ансамбль репертуари ниҳоятда бой ва ранг-баранг. Айниқса, оркестр ва хор ўз чиқишлари билан мухлислар орасида катта довруқ қозонган. Йигирма йил давомида бу жамоалар АҚШ, Англия, Франция, Япония ва собиқ Иттифоқ бўйлаб ижодий сафарларда бўлдилар. Бу ансамбль 6-халқаро Ёшлар фестивали ҳамда Хор жамоаларининг 2-халқаро Вейжин фестивали совринлари билан ҳам тақдирланган.

Биз фестивалга ташриф буюриши кутилаётган хитойлик таниқли хонанда ва ижрочилар ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик. Мана, улар билан танишинг:

Жу ГУАЛАНГ. Чин халқининг севимли ижрочиларидан бири. У Хитой Марказий қўшиқчилик ва рақс ансамблларини бирлаштириб, 1960 йили Марказий филармония уюшмасига асос солган. Ушбу жамоада ҳамон ғайрат-шижоат билан фаолият кўрсатяпти.

Жу Гуаланг кўп йиллик ижодий фаолиятини, асосан, Шенг рақси сирларини чуқур ўрганиб, уни янада такомиллаштиришга бағишлади. Бу борада катта муваффақиятларга эришиб, тажрибали ижрочи сифатида донг таратди.

У 13-халқаро Ёшлар фестивалининг олий мукофотига сазовор бўлган.

Се ЛИН. Хитой Шарқ мусиқаси ассоциациясининг аъзоси, энг ёш қўшиқчи. У мусиқа академиясини «аъло» баҳолар билан тугатгач, ўз истеъдоди билан дарҳол тилга тушди. Таниқли хонанданинг «Оқ сочли қизча», «Хитой лирик қўшиқлари», «Хитойнинг сара фольклор қўшиқлари» каби кўплаб ашулалари магнит тасмаларига муҳрланган.

Се Лин Франция, Германия, Бельгия, Голландия, Сингапур, Япония сингари қатор хорижий мамлакатларда ҳам ўз санъати билан шуҳрат қозонган.

Шен Сиянг ЯНГ. У 1986 йили Хитой мусиқа консерваториясини тугатиб, бакалавр дипломига эга бўлди. Шу ернинг ўзида муаллим бўлиб иш бошлади.

Шен Сиянг Янг талабалик пайтларидаёқ санъат осмонида ёрқин юлдуз бўлиб порлаган, яъни 1982 йили миллий мусиқа асбоблари ижрочилиги конкурсининг энг юксак мукофотига сазовор бўлган. Айни пайтда у Хитой миллий оркестрида хизмат қилади. Хитой мусиқачилари ҳамда Фольклор мусиқалари ассоциацияларининг аъзосидир.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● *ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ*

## ТЎРТ ДАРВОЗА

***янги транспорт коммуникациялари Ўзбекистонни дунё бозорига олиб чиқади***

**Маълумки, қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган. Бу ерда катта-катта савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар кенг ривожланган. Бугунги кунда ҳам Европа ва Осиёни бир-бирига боғлайдиган йўллар шу ерда кесишаётгани қувонарлидир.**

**Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, халқаро алоқаларни кенгайтириш йўлидан бормоқда. Эндиликда республикамиз ташқи алоқаларни ривожлантириш учун зарур бўлган транспорт коммуникацияси тизимини барпо этишга алоҳида аҳамият бераяпти. Бинобарин, дунё бозорига чиқиш биз учун ғоят ҳаётий муҳим масалага айланмоқда.**

Илгари хорижга у ёки бу маҳсулотни жўнатиш учун минглаб километр узоқликдаги Болтиқ денгизи, Япон денгизи, Қора денгиз ва Шимолий денгиз соҳилларидаги бандаргоҳларга чиқишга мажбур бўлганмиз. Бундай транспорт йўли бўйича юк ташиш анча қимматга тушишидан ташқари, мазкур минтақада амалда бошқа йўналишлар бўйича транспорт коммуникациялари ривожлантирилишига йўл қўйилмаган. Тўғрисини айтганда, бу -- империяпараст «марказ»нинг «хомашё» минтақаси сифатида қаралган қардош республикаларни бевосита хорижга чиқишдан маҳрум этишга йўналтирилган жирканч сиёсати эди. Ваҳоланки, ўша даврларда ҳам Жануб йўналишида транспот йўли очиш имконияти бўлган. Бироқ «марказ» буни рўёбга чиқаришни, бинобарин жанубий чегарадан йўл очишни ҳеч истамасди.

Шу туфайли Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа қардош республикалар собиқ империя таркибидаги денгиз бандаргоҳларидан энг узоқда жойлашган жумҳуриятлар бўлиб келаверди. Ўша пайтдаги «энг яқин манзил» -- Новороссийск шаҳридан юк келтириш учун темир йўлда 3558 километрлик масофани босиб ўтишга тўғри келган бўлса, узоқ Владивостокдаги денгиз бандаргоҳига чиқиш учун эса 8730 километр йўл юришга тўғри келган. Қисқаси, Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё республикалари халқ хўжалигининг барча соҳасида, шу жумладан, транспорт коммуникацияси бўйича ҳам «марказ»га ипсиз боғлаб қўйилганди.

Истиқлол ҳуқуқи эндиликда асрларга татигулик ишларни қилишга имкон яратмоқда. Шу ҳуқуқдан фойдаланиб, мамлакатимиз дунё ҳамжамиятидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Ўзбекистон бугунга келиб, бир неча мамлакатлар ҳудуди орқали денгиз бандаргоҳларига чиқиш имконига эга. Айнан бизнинг мамлакатимиз ташаббуси билан минтақада ташқи коммуникация масалаларига эътибор кучаймоқда, бевосита жаҳон океанига чиқишни таъминлайдиган муқобил йўллар изланаяпти. Шу мақсадда Ўзбекистон БМТнинг «Транзит юк ташишда ҳамкорликни ривожлантириш орқали савдони кенгайтириш» дастурини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этмоқда. Мазкур дастур доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг транзит транспорт оралиқ йўлларни вужудга келтириш ва мана шу йўллар орқали уларнинг денгиз бандаргоҳларига чиқиши таъминланади.

(Давоми 2-бетда)

● ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

Анвар ОБИДЖОН

# ВАТАН ВА ЭРК ФАЛСАФАСИ

Тикандек кўп оламда лашкар,
Бири руҳан, бири жисман зўр.
Ғижинган ёқ доим юртпарвар,
Тиржайган ёқ доим ватанхўр.

Чечакдек кўп оламда элат,
Бири яшнар, бири сўлади.
Халқ бўлади «Биз!» деган миллат,
«Мен!» деган халқ миллат бўлади.

* * *

Мурғак қалбда, ошналар,
Ватан ишқи бошланар
Кулбаларнинг шифтидан.

* * *

Кўп жойларни кездим мен,
Бетобликда сездим мен
Ўз уйимнинг меҳрини.

* * *

Битта хоин бор жойда
Бефойдадир, бефойда
Қалъалар ва соқчилар.

* * *

Огоҳ бўлинг, дўстларим,
Гўдакларнинг кўзлари
Аждодларнинг руҳидир.

* * *

Осдинг ўзбек Машрабин...
Исёнкорлар мактабин
Беркитмоқчи эдингми?!

* * *

Келсам руҳан ярадор,
Бергил малҳам ва мадор
Она тупроқ -- ҳамширам.

* * *

Бир бошингда бунча ғам,
Сенга ўзи нима кам,
Нонми, пулми... Ватанми?!

* * *

Бузманглар! Бу хароба --
Халқим учун баробар
Юз жилдлик шоҳ асарга.

* * *

Қул урганмиш ўғлини
Қафасдаги тўтини
Қўйворгани туфайли.

* * *

Кимдир унга тупурди,
Мен индамай супурдим,
Менинг она ерим бу.

* * *

Тоғдан тушган бўрида
Ва босқинчи ўғрида
Эзгу мақсад бўлмайди.

* * *

Ялинманглар, ўғиллар,
Ялинмоқдан туғилар
Беорлик ва хоинлик.

* * *

Йиғсак барча қаламни,
Бу халқ кўрган аламнинг
Баёнига етмайди.

* * *

Кўриб юзлаб урушни,
Минглаб ватанфурушни,
Яшаяпти бу Ватан!

## ЁШЛАРГА ИЛТИЖО

Эрк каштаси иборат минг тугундан,
Тоғ ялмиш Сабр деган кукундан,
Сабр жабри яшар азал «бугун»да,
Юрт эркини асранг, Эрта сизники.

Ўтмиш бизга сочар ҳали кўп «рашк»ин,
Бул сарқитни ювиб ўтар, Вақт -- тошқин,
Тошқиндан ҳам бўлманг энди сиз шошқин,
Юрт эркини асранг, Эрта сизники.

Биров тилда поку наслан кир ўзи,
Қад кўтарсак куяр унинг ғар кўзи,
Кўрлар бор -- эл талар, ичиб эл тузин...
Юрт эркини асранг, Эрта сизники.

Худо қалбда яшар, шайтон -- ўпкада,
Ўпка, гина торлик сочар сафга-да,
Балки тангрим синови -- шу жабҳада,
Юрт эркини асранг, Эрта сизники.

Битта инда ирққа тўзмак хатардир,
Миллат ичра уруғ тузмак хатардир,
Ҳаммадан ҳам ёлғон ўзбак хатардир,
Юрт эркини асранг, Эрта сизники.

Ҳасади йўқ кенгфеъл элга шон ёғар,
Иймонли кўз ризқ қидирса, дон ёғар,
Уйимиздан ёв изласак, қон ёғар,
Юрт эркини асранг, Эрта сизники.

Тарқоқ бўлсак, ёвга создир, бўлинманг,
Миллатимиз ўзи оздир, бўлинманг,
Уюшқоқлик озга хосдир, бўлинманг,
Юрт эркини асранг, Эрта сизники.

Мен ёмонми, у ёмонми, давр ўтар,
Эрта-индин мен кетарман, у кетар,
Бари сизга қолгай, сизга гал етар,
Юрт эркини асранг, Эрта сизники.

● ЯХШИДИР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

# САНЪАТКОР МАЪНАВИЯТИ

***Бу мақолада билолихтиёр бирор шахснинг исмини тилга олмасликка қарор қилдик. Акс ҳолда, бутун жамоатчиликка билдирмоқчи бўлган фикримиз фақат номлари тилга олинган кимсаларгагина қаратилгандек бўлиб, умумийликдан жузъийликка айланиб қолур эди.***

Халқимиз -- саховатли, бағри кенг, топганини кўпчилик билан баҳам кўришга одатланган халқ. Тўйсевар халқ. Албатта, тўй ўйин-кулгисиз, куй-қўшиқсиз ўтмайди. Биз бу ўринда тўйларда маънавиятга путур етаётгани ҳақида қисқача тўхталмоқчимиз.

Айрим катта-кичик мансабдор шахслар ўтказган тўйларда баъзи таниқли, эл назарига тушган санъатчилар янги касб, яъни тўй бошловчилик қилиб, қистирилган ва ҳаводор қилинган пулни ердан териб юришлари санъат мухлисларининг ихлосини совутмоқда.

Тўғри, тўй санъаткорсиз ўтмайди. Уларнинг тўйга боришини ҳеч ким ман этиши мумкин эмас. Лекин ҳамма нарсанинг меъёри бўлганидек, тўйларда санъаткор қатнашишининг ҳам мезони бўлиши лозим кўринади. Масалан, фақат хотин-қизлар қатнашадиган «Қизлар мажлиси», «Келин чаллар», «Бешик тўйи» каби маросимларда номдор санъаткорларнинг хотин-халаж ҳузурида, неваралари тенги қизалоқлар даврасида микрофон кўтариб, «даврабошлик» қилиб юришлари ғалати эмасми? Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Раззоқ Ҳамроев, Карим Зокиров, Аббос Бакировлар, гарчи бозор иқтисоди шароитида яшамаган бўлсалар-да, микрофон кўтариб, тўйма-тўй, зиёфатма-зиёфат, чаллар-ма-чаллар кезиб юришмаган.

Илгари Олим ака, Шукур ака, Раззоқ ака, Аббос акалар театрларда маънавий муҳит яратганлар, ҳатто санъаткорнинг турқи-тароватига, кийинишигача ҳам эътибор қилинарди. Эсимда, «Ялла» жамоаси илк бор чет эл сафарига чиқиб, катта муваффақият қозониб қайтиши муносабати билан ижодий жамоа республика Маданият ишлари вазирлигида қабул қилинадиган бўлди. «Ялла»чилар чет элдан қандай кийиниб келган бўлсалар, шу қиёфада қабулхонада пайдо бўлганларида ўша даврдаги маданият вазири, марҳум Анвар Қўчқоровнинг кўзи уларга тушиши биланоқ дарҳол қабулни тўхтатишга буюрди: «Мен ўзбек санъаткорларини бу қиёфада кўришни истамайман, уларни қабул қилишни ўзимга эп кўрмайман. Эртага мухлислари улардан ибрат олиб, ялтир-юлтир кийиниб, почаси сурнай шим кийиб, сочини елкасига тушириб юришининг масъулиятини зиммамга ололмайман... «Ялла»чилар, марҳамат қилиб, рисоладагидек кийиниб келишсин. Ижодий гуруҳ қанчалик истеъдодли бўлмасин, хорижда қанчалик катта муваффақият қозонган бўлмасин, бу биз учун асосий мезон эмас. Ўзбек санъаткори, энг аввало, ўз республикасига хизмат қилиши, ўз томошабинига ибрат бўлиши шарт».

Шу тариқа қабул орқага сурилди. Бу воқеа, вазирнинг аччиқ даккиси бутун республика маданият аҳлини ҳушёрликка ундади...

Санъат ва адабиёт ҳам халқ мулки. Демак, улардаги ютуқ ва нуқсонларга жамоатчилик бефарқ қараб туролмайди. Бу борада ҳам ўтмишда тўпланган бой тажрибаларимиз, яхши анъаналаримиз бор. Булардан бири шуки, илгари республика театрлари, санъат муассасалари ва концерт ташкилотларининг йиллик репертуар режаларини тузишда Маданият вазирлиги билан бирга Ёзувчилар, Бастакорлар ва Театр арбоблари уюшмалари маслаҳат овози билан иштирок этиши шарт эди. Маданият вазирлиги тақдим этган режа лойиҳаси ушбу жамоат ташкилотларида муҳокама этилиб, фикр билдирилгандан кейингина тасдиқ учун қабул қилинарди, албатта, жамоатчилик фикри инобатга олинарди. Бу муҳокамаларда режаларнинг даврга ҳамнафас бўлиши, мавзунинг ранг-баранг бўлиши устувор эди. Афсуски, сўнгги йилларда барча инон-ихтиёр театрлар ва санъат муассасаларининг ўзига бериб қўйилди. Бундан томошабину тингловчига ижодий наф етмайди.

Чунончи, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театри ўзбек театр маданиятининг карвонбошиси ҳисобланиб келинарди. Унинг жорий йилдаги репертуарига бир назар ташлайлик: «Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома», «Афандининг беш хотини», «Алдагани хотин яхши», «Чимилдиқ», «Алла» ва ҳоказо. Тўғри, театр репертуарида бошқа спектакллар ҳам бор. Лекин улар асосан олис ва яқин ўтмиш ҳақидадир. Биз номлари тилга олинган асарларни ёмонламоқчи эмасмиз, улар хусусида жамоатчиликнинг ўз фикри бор. Биз бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимиз — у ҳам бўлса, отахон театр репертуарида бир-бирига яқин ва ўхшаш мавзудаги асарлар меъёридан кўпайиброқ кетганга ўхшайди. Зеро, санъаткорнинг маънавияти репертуар танлашда ҳам кўринади. Бу гап хонандаларга, биринчи галда эстрада қўшиқчиларига ҳам тегишли. Дўст ачитиб, душман кулдириб гапиради, деган нақлнинг асл мағзини қанчалик тез тушуниб, тегишли хулосалар чиқарсак, ҳеч қачон ютқазмаймиз.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ.

## ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР ЎРНАТИЛДИ

***Навбаҳор туманида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда.***

Куни кеча «Наврўз» жамоа хўжалигида қишлоқ врачлик пункти дастлабки беморларни қабул қилди. Икки минг қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатадиган бу шифохона замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Ё. УМАРОВ.

● ТЕННИС

## МУКОФОТ ҒОЛИБЛАРНИ КУТМОҚДА

Ҳадемай, сентябрь ҳам бошланади. Тошкент шаҳри Марказий Осиёдаги энг номдор мусобақа -- Президент Кубоги қатнашчиларини кутиб олади. Бу йил унинг ғолибларига бериладиган совринларнинг умумий миқдори илгаригиларидан кескин фарқ қилиши табиий. 400 минг АҚШ долларидан кўпроқ мукофотлар ўз эгаларини кутмоқда. Худди мана шу рақамнинг ўзи Кубок довруғини яна бир бор курраи замин узра намойиш этмоқда.



Президент Кубоги мусобақасининг 1997 йилда эришган яна бир улкан ютуғи шундан иборат бўлдики, у ПТА-toup, яъни дунёнинг машҳур профессионал теннисчилари ассоциацияси нуфузи доирасида ўтказиладиган мусобақалар рўйхатига киритилди. ПТА-toup таркибида ҳозирга қадар 75 йирик мусобақа бор эди. Президент Кубоги уларнинг сонини яна биттага кўпайтирди.

Нуфузли ПТА-toup рўйхатидан жой олгунга қадар республикамизда уч бор Президент Кубоги мусобақаси ўтказилди. Унда ер куррасининг турли мамлакатларида теннис билан жиддий шуғулланаётган профессионаллар, мутахассислар қатнашиб, ниҳоятда яхши таассурот билан тарқалишди.

Шундай қилиб, бутун олам профессионал теннис мутахассисларининг диққат марказида турган Ўзбекистон Президенти Кубоги мусобақасининг ўтказилиши юртимизга ҳар томонлама ҳурмат-обрў келтирмоқда. Шу йилнинг сентябрь ойида уюштириладиган навбатдаги «кураш»да илгаригидан ҳам кучли, илгаригидан ҳам кўп ракетка усталарининг тўпланиши кўзда тутилмоқда. Ўйлаймизки, Президент Кубогининг ғолибона юриши давом этаверади. Ушбу мусобақа олий даражадаги «Уимблдон» турнири, Кремль кубоги, Дэвис кубоги тадбирлари билан баҳслашадиган онлар узоқ эмас.

Нормурод МУСОМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

● СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

## ГЎДАК ҚАЛБИГА НАҚШЛАНГАН ЭЗГУЛИК

***Биз Тошкент давлат педиатрия-тиббиёт институтининг даволаш ишлари бўйича проректори, 1-клиника бош шифокори Асрор Зокирхўжаевни шифохонанинг реанимация бўлимида учратдик. У киши бўлим врачлари билан иш юзасидан суҳбатлашиб турган экан.***



-- Ғазалкент шаҳридан уч ойлик чақалоқни оғир аҳволда бу ерга келтиришган эди, -- деди Асрор ака. -- Маълум бўлишича, у бор-йўғи 900 грамм оғирлик билан дунёга келган, бунинг устига қаттиқ шамоллаган экан. Уч кун давомида унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қаттиқ курашдик: бу ишга тажрибали дўхтирларимиз жалб этилди. Ҳайтовур, охири бахайр бўлди. Ҳозир қизчанинг аҳволи бутунлай яхши. Бугун уни даволаш бўлимига ўтказдик. Шу боис ҳозир бундан кейинги шифо усуллари ҳақида маслаҳатлашиб турган эдик.

Профессорнинг чеҳрасида яққол сезилиб турган мамнуният ҳиссини тушуниш мумкин. Улар зиммаларидаги муқаддас бурчларини адо этиб, бир ИНСОН ҳаётини сақлаб қолишди! Эзгулик ҳеч вақт беиз кетмайди. Йиллар ўтгач, ана шу гўдак ҳам улғайиб, ақлини танийди. Шунда ота-онаси унга бир вақтлар ҳаётини сақлаб қолган фидойи дўхтирлар ҳақида сўзлаб беришади. Уларнинг номи бу қизчанинг қалбида бир умрга нақшланиб қолиши аён...

Аслида, бизнинг ушбу шифохонага қадам ранжида қилишимиз бежиз эмасди. Чунки бу ерда даволаш ишларининг намунали йўлга қўйилганлиги, беморларга нисбатан тиббиёт ходимларининг меҳрибонлиги ҳақида кўп эшитгандик. «Минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал» деганларидай, кўнглимизда шифохона фаолияти билан танишиш истаги туғилган эди. Бўлимларни бирма-бир айланиб чиқарканмиз, Асрор Хўжаевич ўзи раҳбарлик қилаётган даво масканни ҳақида сўзлаб берди.

-- Клиникамизда 170 бемор ўрни мавжуд,— деди у. —Ички касалликлар, жарроҳлик, болалар касалликлари, тери, аллергия, юрак хасталиклари каби бўлимларимизда 30 нафардан зиёд олий, юз нафардан кўпроқ ўрта махсус маълумотли шифокорлар, 150 нафарга яқин ҳамшира меҳнат қилишади. Врачларимиздан 13 киши профессор илмий унвонига эга. Айни чоғда улар клиника қошидаги нур билан даволаш ҳамда шошилинч педиатрия кафедраларида илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам шуғулланишмоқда. Ҳар иккала кафедра замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Яқинда эса Германиядан инсонпарварлик ёрдами сифатида янги рентген аппарати келтирилди.



Клиникамиз дори-дармонлар билан ҳам етарли даражада таъминланган. Шу кунларда эса институтимиз ректори ташаббуси асосида клиника тасарруфидаги уч қаватли, 100 ўринли туғруқхона биноси замонавий талаблар асосида қайтадан таъмирланяпти. Бундан ташқари, педиатр шифокорларни қайта тайёрлаш бўйича ўқув шохобчаси ишлаб турибди.

Шуни айтиш кераккки, клиникада республикамизнинг турли вилоятларидан келган ёш беморлар соғлиқларини қайта тиклашади. Бу эса шифокорларимиздан катта масъулият талаб этади. Негаки, гўдаклар кўнгли гулдек нозик, таъсирчан бўлади. Уларга ҳар бирининг руҳий дунёсидан келиб чиққан ҳолда, ширинсуханлик билан муомалада бўлиш, ҳатто ўз фарзандидай кўриш талаб этилади. «Дўхтирнинг ширин сўзи -- ярим шифо» деган ибора бу ерда, айниқса, катта маъно касб этади.



Клиникада меҳнат қилаётган врач ва ҳамширалар буни чин дилдан ҳис этиб, шунга қатъий амал қилишади. Шу боис шифохонага келган ҳар бир ёш бемор ўз соғлиғини мустаҳкамлаб, улардан хурсанд ҳолда уйларига кетишаяпти.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД,
Тўлқин КАРИМОВ (фото),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: *клиника бош врачи Асрор Зокирхўжаев, унинг ўринбосари Инисса Грунина ва терапия бўлими мудири Жамолиддин Акмалов навбатдаги муолажа юзасидан ўзаро фикр алмашаяпти; реанимация бўлими бошлиғи, олий тоифадаги шифокор Зумрадхон Сирожиддинова ва ҳамшира Моҳира Турсунова беморни даволамоқда; ҳамшира Назира Авазова.*

● ҲАМКОРЛИК РОБИТАЛАРИ

## ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИДА УЧРАШУВ

Миллий Олимпия қўмитасида Ўзбекистонга ташриф буюрган Хитой Олимпия қўмитаси делегацияси билан учрашув бўлди. Делегацияга ХХР Жисмоний тарбия ва спорт ишлари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, Хитой Олимпия қўмитаси раисининг ўринбосари жаноб Чжан Фацзян бошчилик қилмоқда.

Республика Миллий Олимпия қўмитаси раиси Собир Рўзиев меҳмонларни қўмита фаолияти билан таништириб, мустақиллик йилларида ўзбекистонликлар спорт соҳасида эришган ютуқлар тўғрисида, республикада аҳолини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш юзасидан қилинаётган улкан ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Жумладан, олимпия ҳаракатини ривожлантиришга Ўзбекистон қўшган улкан ҳисса учун мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Халқаро Олимпия қўмитаси ва Осиё Олимпия қўмитасининг Олтин орденлари билан мукофотланганини айтилди.

Мамлакатимизга биринчи бор ташриф буюрган жаноб Чжан Фацзян ҳозирги вақтда Ўзбекистон иқтисодиёт соҳасидаги ижобий ислоҳотлар билангина эмас, йирик халқаро мусобақаларда ғалабага эришган спортчилари билан ҳам дунёга машҳурлигини таъкидлади. Хитой Олимпия қўмитаси раҳбариятининг вакили олимпия ҳаракатини, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда иккала мамлакат самарали ҳамкорлик қилишига умид билдирди.

С. ТЕН,
ЎзА мухбири.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;
Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0522, 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир —Й. Исмоилов.
Навбатчи — Х. Абдураҳмонов.
Мусаҳҳиҳ —А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.40
1 2 3 4 5 6